

«5000 қадам» — Мустақиллик сари соғлом қадам!

// 12.08.2026

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/5000-qadam-mustaqillik-sari-soglom-qadam>



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг **35 йиллиги** — юртимизнинг тараққиёт йўли, эзгу мақсадлар ва янги марралар сари интилишини ифодаловчи улуғ айёмдир.

Шу муносабат билан «**Аммофос-Махам**» АЖнинг «**Чимён**» болалар соғломлаштириш **оромгоҳида** ишчи-ходимлар иштирокида «5 000 қадам» юриш тадбири ташкил этилди.



Тадбир иштирокчилари биргаликда 5 000 қадам юриб, **соғлом ҳаёт тарзи, жисмоний фаоллик ва фаол ҳаёт позицияси**ни қўллаб-қувватладилар.

Айниқса, юртимиз мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш арафасида ўтказилган ушбу ташаббус ходимларни бир мақсад атрофида бирлаштириб, кўтаринки кайфият бағишлади.